

>>> Президент

ТАНИҚЛИ АДИБГА – ЮКСАК МУКОФОТ



KAZINFORM. ҚР Президенти атоқли давлат ва жамоат арбоби Қуаниш Султановга “Отан” орденини тантанали равишда топширди, дея хабар берди Ақўрданинг матбуот хизмати.

Қасим-Жўмарт Тўқаев Қуаниш Султановни саксон ёшга тўлиши муносабати билан табриклаб, арбобнинг Қозоғистон тараққиётига қўшган ҳиссасини таъкидлади.

– Мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлат ишларида фаол иштирок этдингиз. Вазир, сўнг Бош вазир ўринбосари бўлдингиз. Сиз дипломатик хизматингизда мамлакатимиз хавфсизлигини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшдингиз, Хитой Халқ Республикасидаги Фавкуллода ва Мухтор элчи бўлгансиз, шунингдек, Мўғулистон, Вьетнам, Шимолий Корея билан муносабатларни ривожлантириш йўлида сидқидилдан меҳнат қилгансиз. Сиз мамлакатимизда парламентаризм институтини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдингиз. Олий Кенгаш депутаты, раис ўринбосари бўлдингиз. Кейин уч марта Сенат, икки марта Мажлис депутаты сифатида қонун ижодкорлиги марказида бўлдингиз. Сиз тегишли масалаларни кўтардингиз. Ҳозир ҳам жамоат ишларидан тўхтаганингиз йўқ. Сизнинг ҳаёт йўлингиз ёшларга ибрат бўлишига ишончим комил, – деди Президент.

Қасим-Жўмарт Тўқаев Қуаниш Султановнинг адабий маҳоратига тўхталиб, у мамлакатдаги сиёсий ва ижтимоий жараёнларга бағишланган кўплаб асарлар ёзганини таъкидлади.

Қуаниш Султанов унинг юрт фаровонлиги йўлидаги меҳнатини муносиб баҳолаб, олий давлат мукофотларидан бири – “Отан” ордени билан тақдирлангани учун Президентга миннатдорчилик билдирди.



МИЛЛИЙ БАНКНИНГ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

KAZINFORM. Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев раислигида ўтган йиғилишда Миллий банкнинг 2024 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот тақдим этилди, дея хабар беради Ақўрданинг матбуот хизмати.

Давлат раҳбарига макроиқтисодий вазият, пул-кредит сиёсатининг асосий кўрсаткичлари, молия тизимидаги ислохотлар, халқаро захиралар, Миллий жамғарманинг маблағлари тўғрисида маълумот берилди.

Миллий банк раиси ҳар бир минтақанинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, хизматларни кенгайтириш, янги хизмат турларини йўлга қўйиш, илғор тажрибалар ва намунавий пойиҳаларни жорий этиш юзасидан амалга оширилаётган ишларга тўхталди.

Умуман, жаҳон иқтисодиётидаги мураккаб вазият бутун дунёда миллий иқтисодиётларга таъсирини ўтказётгани

қайд этилди. Бундай шароитда мамлакатимиз молия-банк тизимининг барча даражаларида молиявий интизом ва шахсий масъулиятни кучайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Учрашувда Миллий банк фаолиятига оид долзарб масалалар муҳокама қилинди. Бундан ташқари, республика бюджетининг ижроси, пулнинг қадрсизланиш даражасини пасайтириш, пул-кредит сиёсати, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги янги қонун лойиҳаси, иқтисодиётнинг аниқ шўъбасини кредитлаш, шунингдек, Миллий банкнинг олтин-валюта активлари ҳолати кўриб чиқилди.



Қозоғистонлик теннисчилар – АҚШ терма жамоасига қарши

KAZINFORM. Билли Жин Кинг кубоги учун жамоалар ўртасидаги жаҳон чемпионати финал босқичига қўрға ташлаш маросими ўтди, дея хабар беради Қозоғистон теннис федерацияси матбуот хизмати.

Қозоғистон теннис жамоаси чорак финалда АҚШга қарши баҳсга чиқади.

Ярим финалда ўйин ғолиблари Япония – Буюк Британия жуптлигидаги ғолиб жамоа билан тўқнаш келади. Чорак финалда Украина

Испанияга, Италия эса Хитойга қарши ўйнайди.

16-21 сентябрь кунлари эса Хитойнинг Шинжон шаҳрида жамоалар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг финал босқичи ўтказилади.

Маънавиятнинг муаззам майдони

Мамлакатимиздаги барча матбуот нашрлари қатори “Жанубий Қозоғистон” газетасига ҳам 2025 йилнинг иккинчи ярми учун обуна бошланди.

Обуна ишларининг уюшқоқли ташиқ этилиши газетанинг келгусида тўлақонли фаолият юртишига имкон беради. Демак, ҳар бир газетхон суюкли наشريга обуна бўлиш баробарида уни қўллаб-қувватлаган, эртанги кунига мустақкам пойдевор яратган, давлат миқёсида амалга оши-

рилаётган ислохотлар ва уларнинг жойлардаги ижроси мазмун-моҳиятдан тўлақон хабардор ҳамда муҳим воқеаларга хайрихоҳ эканлигини амалда намойиш этган бўлади.

Шунга эришиш керакки, газетамиз вилоятдаги ҳар бир меҳнат жамоаси, таълим ва ҳунар маскани, нашр шинавандалари хонадонларига етиб борсин.

Ҳиммат кўрсатаман, деганлар нафақадорлар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларни газетамизга олишда ҳомиилик қилишлари мумкин.

2025 йилнинг иккинчи ярми учун “Жанубий Қозоғистон” газетасининг обуна баҳоси ўзгармади: 6 ойга обуна баҳоси: «Қазпошта» ХЖ орқали – 3415,50 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466

“Оқ олтин”нинг
қонидир,
она Туркистон...



Мустақиллик йилларида Президентимиз томонидан пахтачилликни ривожлантириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ушбу тармоқнинг тараққий этишида муҳим пойдевор сифатида хизмат қилди ва вилоятимизда пахта етиштириш ҳамда уни қайта ишлашга қаратилган ёндашув тубдан ўзгарди. Соҳадаги ютуқлар илгаригидек рақамлар билан эмас, балки кўриладиган соф даромад салмоғи билан баҳоланадиган бўлди. Унинг юқори бўлиши эса кўп жиҳатдан маҳсулот сифатига, демакки, ғўза нави ва унинг парваришига боғлиқ.

Шунингдек, вилоятимизда пахтачилик кластери барпо этилмоқда, яъни, олинган ҳосилнинг асосий қисми вилоятдаги енгил саноат корхоналарида қайта ишланиб, ундан турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Пахта баҳоси ошиб, деҳқонларнинг қосаи оқармоқда. Вилоятимизда уни ривожлантириш ва замонавий андазаларга мослаштириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Пахта тозалаш корхоналарини замонавийлаштириш, ишлаб чиқариш ва пахта хомашёсини қайта ишлаб, соф даромадни ошириш бу жараёнда эришиладиган муҳим мақсадлардан биридир.

Вилоят қишлоқ хўжалик экинлари навини синаш инспектурасидан олинган маълумотларга кўра, минтақада пахтанинг 12 нави етиштирилмоқда. Ундан 6 нав пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг маҳсули. “Туркистон” ва “Туркистон1” навлари ҚР экология ва тажриба биология илмий-тадқиқот институти томонидан етиштирилган. Улар Туркистон минтақаси ва Қизилўрда вилоятида экилади. Навлардан энг эҳсиси – “С4727”нинг тозалигини сақлаш бўйича элита уруғи етиштирадиган хўжалик бўлмагани боис ҳозир унинг қондицияси номаълум.

Замонавий технологияларни киритиш нафақат иқтисодий фойда келтиради, балки қишлоқ хўжалиги соҳасининг барқарор тараққиётига ҳисса қўшади. Шунинг учун, пахтани қайта ишлаш жараёнида замонавий технологияларни қўллаш ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш зарур. Бу эса, ўз навбатида, вилоятимизнинг пахтачилик соҳасини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мутахассислар заводларга пахтанинг қандай навини ўтказётганини деҳқонларнинг ўзлари баъзан билмаслигини айтишди. Ваҳоланки, собиқ Иттифоқ даврида бундай камчилиқка умуман йўл қўйилмаган. Минтақада экилган навлар назорат қилиниб, ҳар бир нави алоҳида қабул қиладиган шохобчалар бўлган. Ҳозир қайси хўжалик қайси нави экаётганини аниқлаш осон эмас. Чунки, назорат суст. Аслида бу иш билан қишлоқ хўжалик бўлимларида ишлаётган уруғ нозирлари шуғулланишлари керак.

Албатта, пахтачиликнинг ўзига яраша машаққати мавжуд. Бир йиллари қиш эрта келиб, деҳқонлар ерни ҳайдашга улгуришмади. Баҳорда эса ёмғир ўрнига ўттиз даражали иссиқ бўлиб, шомол ердаги намини қурийтиб юборди. Мақтаарал туманининг Ўзбекистондан оқиб келаётган “Дўстлик” каналида сув кам бўлди. Деҳқонлар ҳеч бўлмаса насослар билан сувни кўтариб оламиз, дея кечаю-кундуз ухламай, сув келишини пойлашди, аммо кўпчилик сувга етиша олмади. Бир йили эса, экинни вайрон қилувчи жала ва йирик дўл ёғди. Қўтилмаган табиий офат анча ердаги ғўзани барбод қилди. Хўжаликлар қайта чигит экиб, миллионлаб зарар кўрди. Қайта экилган майдонда ҳосилдорлик деярли икки баравар камаydi. Бундай зарарнинг олдини олиш мақсадида вилоят гидрогеология-мелиоратив экспедицияси раҳбари, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Карл Анзельм 2000 йилларда янги технологияни ишлаб чиққан, ғўзани қўчат усулида экишни тавсия қилган эди, лекин, ҳамкасблари томонидан қўллаб-қувватланмади. Шунга қарамай, баъзи хўжаликларда бу усул самарали қўлланилмоқда.

Мустақилликнинг илк йилларида вилоятимиз қишлоқ хўжалиги олдига экспортбоп маҳсулот етиштириш вазифаси қўндаланг қўйилди. Мева-сабзавот, ғалла ва ҳатто гўшт маҳсулотлари сифатининг пастилиги, кам миқдори ва сотув инфратузилмаларининг йўқлиги туфайли улар халқаро бозорга йўл топа олмади. Сифати паст бўлишига қарамай, пахтага талаб-эҳтиёж барқарорлигича қолган, аввал Мақтаарал туманида турли фирмалар вакиллари баҳорги дала ишларини ўтказиш учун деҳқонларга аванс бера бошладилар. Пахта теримидан кейин эса қолган пахтани ҳам нақд пул тўлаб олиб кета бошлашди. Статистика маълумотларига кўра, 1995 йилда вилоятимизда ғўза етиштириш учун 109,6 минг гектар ер ажратилган бўлса, 2004 йилга келиб бу кўрсаткич 224 минг гектарга етди, бу икки баравардан зиёд. Фойда кетидан қувган пахтакорлар алмашлаб экиш ва бошқа агротехник тадбирларсиз пахта ернинг кучини олиб қўйишни унутиб қўйдилар. Натижада, ҳосилдорлик 25-28 центнердан 19-20 центнергача тушиб, етиштирилаётган ҳосилнинг сифати ҳам пасайиб кетди. Яъни, пахта толаси чиқишининг ўртача миқдори ҳам уч фоизга пасайди. Қишлоқ хўжалигига ажратилаётган субсидияни олиш қийинлашгани боис, тарқоқ деҳқон хўжаликлари бирлаштиришга бошланди. Бундан ташқари, давлат сувга бериладиган субсидияга янгича талаблар қўйди: эскича услубда, сувни жўяк орқали оқизиб суғорадиган деҳқонларга харажатларнинг 10 фоизи қопланса, томчилаб суғорадиган деҳқонлар учун харажатларнинг 80 фоизи қопланди.

ҚР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги матбуот хизматининг хабарига кўра, Қозоғистонда 25 мингдан зиёд деҳқон хўжаликлари пахта етиштириш билан шуғулланмоқда.

(Давоми 2-бетда.) ➤



ОБУНА-2025

ТУРКИСТОНДА ЯНГИ ТУҒРУҚХОНА БАРПО ЭТИЛАДИ



Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев ва Абу-Даби валиаҳд шаҳзодаси Шайх Холид ибн Муҳаммад ибн Зоид ал Наҳаён ўртасидаги музокаралардан сўнг икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими ўтди. Улардан бири – Туркистон шахрида туғруқхона қуриш бўйича келишувдир.

Туркистон вилояти ҳокимлиги ва Абу-Даби тараққиёт жамғармаси ўртасида Шайх Холид ибн Муҳаммад ибн Зоид ал Наҳаён туғруқхона қуриш ва молиялаштириш бўйича ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Бундан ташқари, ҳужжат алмашиш маросимида Қозоғистон Республи-

каси Ҳукумати ва Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати ўртасида шамол электр станцияси лойиҳасини амалга ошириш юзасидан келишув ратификация қилингани маълум қилинди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати маълумотлари асосида.



Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев Миллий қурултойда ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарларига “Қонун ва интизом” тамойилини амалга оширишни топширган эди. Ушбу топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида Туркистон вилоят ички ишлар бошқармаси ва вилоят прокуратураси ташаббуси билан “Киберфириб-гарлик: олдини олиш, ҳимояланиш, масъулият” мавзuida 1000дан зиёд киши иштирокида кенг қўламли республика анжумани ўтди.

Иштирокчилар эътиборига илк бор замонавий ахборот технологиялари ускуналари ва робототехника кўргазмаси тақдим этилди. Шунингдек, театрлаштирилган саҳна асарида энг кўп учрайдиган фирибгарлик турлари намойиш этилди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Зулпихар Жўлдасов, ИИБ бошлиғи Мурат Қабденов, вилоят прокурори Мурат Тлеубердиевлар иштирок этиб, минтақада фирибгарликнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларга атрофлича тўхталишди.

Шунингдек, Қозоғистон Республи-

КИБЕРФИРИБЛИК НАЗОРАТ ОСТИДА

каси ИИБ Кибержиноятчиликка қарши кураш бошқармаси бошлиғи Жандўс Суюнбай, Туркистон вилояти иқтисодий тергов бошқармаси бошлиғи Ербўлат Балғабаев ва бошқалар киберфирибгарликнинг олдини олиш усул ва услублари ҳақида маълумот беришди. Очiq мулоқот ташкил этилиб, унда вилоят ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари мутасаддилари, жамоатчилик вакиллари, банк ходимлари, кредит ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Статистика маълумотларига кўра, вилоят ИИБ ҳузурида ташкил этилган Киберпол бошқармаси ходимлари томонидан “Интернетдаги фирибгарлик” ҳолатлари бўйича 113та жиноят иши судга юборилган. Уч нафар жиноий гуруҳ қўлга олиниб, уларнинг 38та жиноятга алоқадорлиги аниқланди. Жабрланганларга 269 миллион тенге

қайтарилди. Шунингдек, 200дан ортиқ жиноят содир этишда гумон қилинган 13 нафардан иборат уюшган жиноий гуруҳ қўлга олинди, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Полиция департаменти ва Халқаро Қозоқ-Турк университети ўртасида тузилган меморандум доирасида полиция ходимлари талабалар билан биргаликда киберкузатув тизими орқали ноқонуний мазмундаги 2 мингта материални мусоҳара қилди.

Бу чора-тадбирларнинг барчаси аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш, фирибгарликнинг олдини олиш мақсадида амалга оширилмоқда. Мазкур тадбир вилоятнинг 17 туманида давом этади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати маълумотлари асосида.

ВОЛЕЙБОЛ БЎЙИЧА ОЧИҚ БИРИНЧИЛИК

Буюк Ғалабанинг 80 йиллигига бағишланди



“Телеби” спорт клубида ўсмир қизлар ўртасида волейбол бўйича вилоятнинг очiq биринчилиги ўтди. Мусобақада вилоятимиздан 14 жамоа иштирок этди.

Унинг яқунларига кўра, ғолиб жамоалар ва энг яхши ўйинчилар “Телеби” спорт клуби томонидан кубок, медаль ва дипломлар билан тақдирландилар. 1-ўринни “Ордабасы”, 2-ўринни – “Теле-

би” спорт клуби, 3-ўринни “Арыс” жамоалари эгаллади.

«Жанубий Қозоғистон» мухбири.

"Оқ олтин"нинг
қонидир,
она Туркистон...

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Пахтачилик Қозоғистон агросаноат мажмуасининг муҳим тармоқларидан биридир. Мазкур тармоқ аҳоли бандлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш саноатини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Асосий пахта етиштириладиган ҳудудлар Туркистон вилоятида жойлашган. У ерда 25 мингдан зиёд хўжалик фаолият юритиб, уларда 70 мингга яқин киши меҳнат қилмоқда. 2024 йилда пахта экин майдони 106,4 минг гектарни ташкил этиб, гектардан 28,3 центнердан ҳосил олинди. Натижада 301,7 минг тонна пахта хомашёси олинди. Жорий йилда замонавий технологияларни қўллаш орқали экин майдонларини 135,2 минг гектарга етказиш режалаштирилган», дейилади Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хабарида.

Бу соҳа давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани, сувни тежовчи технологияларнинг жорий этилиши туфайли изчил ривожланмоқда. Масалан, сўнгги йилларда томчилатиб суғориш технологиясидан фойдаланиладиган ер майдони 50 минг гектарга кенгайди, анъанавий усулда ишлов бериладиган ер майдони эса 19,3 минг гектарга камайди. Бу деҳқонларга сув захираларини тежаш ва иқлим ўзгаришига мослашиш имконини беради.

“Пахта етиштирувчилар давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан: пахта етиштиришнинг тўлиқ цикли учун субсидиялар берилади; минерал ўғитлар нархининг 60 фоизгача; пестицидларнинг 50 фоизгача; биологик воситалар ва биопрепаратларнинг 40 фоизгача; оригинал ва элита уруғларини сотиб олишда 70 фоизгача; пахта чигитлари учун – ҳажмнинг 100 фоиз (бошқа экинлар учун 15-50 фоиз); суғориш учун сув таъминоти харажатларини қоплаш – технология турига қараб 50-85 фоиз; шунингдек, сарможавий субсидиялари ҳам тақдим этилади”, дейилади хабарда.

Хабарда шунингдек, Қозоғистонда йилига 300 минг тоннадан ортиқ пахта хомашёси ва 70-75 минг тонна пахта толаси ишлаб чиқарилиши, маҳсулотнинг 85 фоизи Латвия, Туркия, Россия, Хитой ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинаётгани айtilлган. Асосий эътибор қўшимча қийматни ошириш ва ташқи бозорларга қарамликни камайтириш учун чуқур қайта ишлашни ривожлантиришга қаратилмоқда. Қозоғистон пахтасининг шуҳрати жаҳонда тобора юксалиб бораётган экан, бунинг замирида мамлакатимизда пахтачилик тармоғини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар, олимлар, соҳа мутасаддилари ва ишнинг кўзини биладиган миришкор деҳқонларимиз меҳнатининг самараси мужассамдир.

Далаларни зараркундалардан тозалаш – давлат зиммасида. Лекин давлат ёрдами етарли бўлмаяпти. Йирик майдонларда ғўза турли хасталикларга чалиниб, оқибатда пахта хомашёсининг сифати пасаймоқда. Шу боис, ғўза касалликлари ва ҳашаротларга қарши кураш бўйича самарали дори воситаларни қўллаш кўрсаткичлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Хусусий шўъбаларни жалб қилган ҳолда, давлат-хусусий ҳамда хусусий уруғчилик кластерларини ташкил этиш ва бу орқали рақобат муҳитини яратиш, пахтачилик йўналишида илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш каби чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Пахтачилик доим стратегик хомашё сифатида давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Чунончи, Қозоғистон қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Тараққиёт ва реконструкция халқаро банкнинг молиявий кўмағида Мақтаарал туманида сув таъминотини яхшилаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. 1200тадан зиёд гидротехникавий иншоотлар қурилиб, 92 қақирим электр тармоқлари тортилди. Бу иншоотлар “Береке” ва “Тоza сув” истеъмолчи ширкатларининг тасарруфига ўтказилди. Лекин деҳқонлар гидротехникавий иншоотлардан фойдаланишга пул тола олмадилар. Фойдаланилмай ётган қимматбаҳо ускуналарнинг ярмидан кўпи ўғирланди. Хўжалик раҳбарлари полицияга мурожаат қилишди, аммо трансформаторлардан бирортаси ҳам топилмади. Бунинг боиси – пахтакорларнинг тарқоқчилигида. Ақс ҳолда, гидроиншоотларнинг ўғирланишига йўл қўйилмаган бўларди.

Ҳозир қишлоқ хўжалик институтлари селекционерлар тайёрлашни тўхтатишган. Бунинг ўрнига кенг қамровли агрономлар тайёрламоқда. Селекционерлар фақат солиқ Иттифоқ йилларида тайёрланарди. Бундан ташқари, уларнинг ихтиролари самарали бўлса, йирик миқдорда рағбатлантирувчи мукофот бериларди. Чунки, янги нав яратиш учун зироатшуноснинг ўн йиллаб вақти кетарди. Нав самара берсагина рағбатлантириларди. Шунинг учун ҳар ким ҳам бу ишнинг бошини тутишга рози бўлавермасди.

Иқлим ўзгариши туфайли пахта етиштириш йилдан-йилга қийинлашиб бораётгани сир эмас. Шунинг учун фақат янги нав ишлаш билан чегараланиб қолмасдан, янги, етилиш мuddатини тезлаштирадиган технологияларни ҳам кашф этиш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда мамлакатимизда миллий иқтисодиёт учун замонавий бўлган, саноатнинг инновацион тури кластер дас-тагидан фойдаланиш, хусусан, пахта-тўқима кластерларида “пахта хомашёсини етиштириш – қайта ишлаш – тайёр маҳсулот” кўринишидаги 100 фоиз чиқитсиз ишлаб чиқариш иншоотларини ташкил этиш вақти келди. Чунки пахтачилик-тўқимачилик кластерларида пахта хомашёсини етиштириш учун ерларни тайёрлаш, пахтани экиш, етиштириш, йиғиштириб-териб олиш, қайта ишлаш ва бирламчи қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш йўли билан халқаро ягона андазаларга мос юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг экспорти билан шуғулланувчи корхоналар битта бошқарув тизимида бирлашади.

Пахтачилик саноатини ривожлантириш ва пахта-тўқима кластерини қўллаб-қувватлаш бўйича “Йўл харитаси”ни амалга ошириш доирасида Туркистон вилоятида “Туркистон пахта агросаноат мажмуаси” МЧБ ва “Туркистон ижтимоий-тадбиркорлик корпорацияси” ҲЖ иштирокида йирик сарможавий лойиҳа амалга оширилмоқда.

Лойиҳанинг умумий қиймати – 146,8 млрд тенге. Жорий йилда жами 50 минг гектар майдон ўзлаштирилса, шундан 32 минг гектарида томчилатиб суғориш йўлга қўйилади. 4 мингдан зиёд иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Замонавий технологияларни жорий этиш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини кучайтириш, йирик сарможавий лойиҳаларни амалга ошириш Қозоғистонда пахтачиликни узоқ мuddатли ва барқарор ривожлантириш, шунингдек, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш учун мустаҳкам замин яратади.

А. АБДУФАТТОҲ.

»» Ярим асрлик дийдорлашув

Нафақат Туркистон, вилоятимизда таълим-тарбия ва обуна борасида пешқадам, тажрибали устоз Дилбар Дийметова раҳбарлик қилаётган Ҳамза номли мактабда шу даргоҳни эллик йил аввал тамомлаган собиқ битирувчилар учрашуви юқори савияда ўтди.



У пайтда мактаб раҳбари Абдашим Жумадуллаев, синф раҳбарлари Абдурайим Абдужабборов, Абдусаттор Эрназаров, Мавжуда Иброҳимовалар жами 83 нафар битирувчини ҳаётга учирма қилдилар. Тошкентдан келган Абдурахмон Толипов, Файзулла Жўрабеков (Эркин Искандар ўғлининг укаси), Эҳсон Иброҳимовлар қадрли устозлари Дилбар Раҳимова, Сарвар Хайруллаеваларга иззат-икром кўрсатишди. Битирувчиларни юксак савияда кутиб олган мактаб маъмуриятига миннатдорчилик мўл.

Ўриндиқлари янгиланган, жазирама иссиқда ҳаво совутгич жиҳозлари ишга туширилган мухташам зал тўридаги экранга “1975-2025 – 50 йиллик



битирувчилар хуш келибсиз”, деб ёзиб қўйилган.

Мактаб директори Дилбар Дийметова ўринбосарлари билан биргаликда меҳмонларни кутиб олиб, иззат-икром кўрсатишди.

107 ёшдаги мактабимиз Қозоғистондаги асрни ортда қолдирган 86 таълим даргоҳлари қаторида яқинда ҚР Таълим вазири Ғани Бейсенбаев билан онлайн учрашув ўтказди. Шаҳар, вилоят, республика ҳамда халқаро миқёсдаги ютуқларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. 1700дан зиёд ўқувчиларга 200 нафар педагог ходимларимиз сифатли билим, тарбия бермоқда.

– Ҳамза мактабида ўқийман, деганларнинг ҳаммасини сиғдира олмаган-

миз. Мактаб музейи ҳам синфхона сифатида фойдаланилмоқда. Невара, эвараларингизни олиб келинг, ўқитамиз, ўзларингиз каби элга меҳнати билан ардоқли зиёли инсонлар этиб, камолотга етказамиз. Собиқ битирувчилар учрашуви кўп, лекин ҳаммаси ҳам сизлар каби мактабга қадам ранжида қилаверишмайди. Хуш келибсизлар, азиз битирувчилар, – деди мактаб директори ўз табрик нутқида.

Эллик йиллик битирувчилар номидан мактабга сувенир совға қилинди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: табдирдан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.



»» Театр

“Анойининг жайдари олмаси”

Рустам Саидхўжаев раҳбарлик қилаётган ўзбек драма театрида яна бир ажойиб саҳна асарининг тушови кесилди.

Ёзувчи Эркин Аъзам қаламига мансуб “Анойининг жайдари олмаси” асарини режиссёр Сайфиддин Мелиев саҳналаштирди. Театрга кириб борган киши бадиий етакчи Жавлон Саидов, расом Баҳром Искандаров, муסיқачи раҳбар Дилшод Ақромовлар саъй-ҳаракати ҳамда театрнинг тажрибали, малакали актёр ва актрисаларининг маҳоратига яна бир бор тасанно айтади. Томоша зали қадимий миллий сўзаналар, туморлар,

қишлоқдаги Тош каби безори тўданинг хуружидан дўстини халос қилади. Қолаверса, поезддаги нотаниш кимсанинг лафзига, ялиниб-ёлворишига ишониб, қамалиб ҳам чиқади. Рамазоннинг ҳаётий тутумларию ҳақиқатлари бозор иқтисодиёти ва фақат фойдани кўзлаган инсонларнинг мақсад-муддаоларга тўғри келмайди. Такаббурлигу турли маъсият-гуноҳлардан қалби қорайиб



беқасам тўнлар билан безатилиб, илк бор саҳнага ҳовуз ишлангани асарнинг янада жонли чиқишини таъминланган.

Саҳна асарида болаликдан бирга ўсган қадрдон дўстларнинг тақдири, уларнинг ҳаёти, табиат инъом этган жайдари олмалар ҳақида ҳикоя қилинади. Ҳикоя қаҳрамони Рамазоннинг хатти-ҳаракатлари, ҳотамтойлиги, соддалиги, дўстга содиқлиги бошига анча кулфатлар олиб келди. У боғидан териб олган олмаларини бепул тарқатиб, улашиб юради. Унинг баъзи бир ҳаётий хулосалари, жамиятга, адолатсизликка нисбатан исёндек гўё. Рамазон дўсти учун ҳаёт зийнати эди. У

кетганлар Рамазоннинг бори шу эканини тушунмайди. Унинг одам, олам, ҳаёт, силаи раҳм бобидаги қаноатлари уларга мутлақо ёт. У дунёни беғубор, содда тасаввури билан кўради. Спектаклда ўзбек миллиятининг завқли ва таъсирли фольклор кўшиқлари барча актёр ва актрисалар томонидан ижро этилиши томошабинни ром этди. Мазмунли, ибратли саҳна асари гулдурас қарсақлар билан қарши олинди.

Ҳикояни бошидан оёғигача гапириб берган актёр Улуғбек Носиров, хонандалар Сайдиқарим Маҳмудов, Дилфуза Қамбарова, Шерзод Ходиметов, Фарҳод Мансуров, Ак-

бар Эрхоновларнинг ижроси ҳамда актёрлар – Одилжон Тўғонбоев, Клара Шодибекова, Савринисо Рўзиметова, Эрали Тўламетов, Дилдора Холметова, Аҳмадвой Эргашев, Василя Абдурахмоноваларнинг ижрочилик маҳорати томошабинлар томонидан юксак баҳоланди.

Хулоса шуки, асарда асл қадриятлар, миллий урф-одатлар, тақдир, дин, ҳалоллик, адолат каби инсоний ғазилатлар мужассам. Шунингдек, яхшилик ва ёмонлик, гурур ва камтарлик, ҳалоллик тарозида мард, содда, меҳрибон замондошларимизнинг бой маънавий олами кўз олдимизда гавдаланади.

М. УСМОНОВА.

УЛУҒ БАЙРАМ

1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида Қозоғистон урушининг энг огир ва ҳал қилувчи фронтларида қатнашди. Уруш бошланганда Қозоғистонда 6 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилган бўлса, шулардан 1 миллион 200 минг нафардан ортиқ киши фронтга отланган. Бу – ҳар бир 5- қозоғистонликдан бири фронтга бурганини аңлатади.

Қозоғистонликлар Брестдан то Берлингача бўлган оловли йўлларни босиб ўтиш-

келганини такрор ва такрор ёдга солади. Шу боис, бугун сафимизда соғ-омон бўлиб, ҳаётимизга файз бағишлаётган уруш қатнашчилари, муҳтарам фахрийларимизга муносабат ҳақида алоҳида сўз юритишни истаймиз.

9 май – Буюк Ғалаба куни. Бу сананинг алоҳида мазмуни, моҳияти ва аҳамияти мавжуд. Зеро, бу кун ўтмишдаги барча аждодларимизга ва ўз ҳаётини Ватанимиз озодлиги ва халқимизнинг фаровон ҳаёти



ди. Улар Сталинград, Курск, Москва остонасидаги ҳал қилувчи жангларда иштирок этишди.

Дарҳақиқат, бу аёвсиз уруш юртимизда қанча-қанча бева-бечора ва етим-есирларни доғда қолдириб, қандай огир азоб-ўқубатлар олиб

йўлида фидо қилиб, бугунги ёруғ кунларимизни кўрмай ўтиб кетган барча юртдошларимизнинг ўчмас хотираларига бўлган хурмат ва эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир. 500 нафардан зиёд қозоғистонлик Совет иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақ-



дирланган. Улар орасида Зиёмат Хусанов, Бутабой Содиков, Бауржан Мўмишули, Малика Ғизатова, Алия Мўлдағулова, Маншук Маметова сингари қаҳрамонлар эл фаҳрига айланган.

Биз, ёшлар 9 майни тарихий сана сифатида нишонладик. Юртимизнинг осойишталиги, тинч ҳаёт учун барчамиз масъул эканлигимизни унутмаслигимиз керак.

Адолат ЮСУФЖОНОВА,
104-сонли Е. Юсупов
номли умумтаълим ўрта
мактаби ўқувчиси.

ОТКРЫЛОСЬ НАСЛЕДСТВО

После смерти Абдурахманова Гайбуллы Файзулаевича, (умер 09. 04. 2025 г.), открылось наследство. Всех наследников просим объявиться и обратиться к нотариусу Дүйсембековой Фатиме Акилбаевне, по адресу г. Шымкент. ул. Елшибек батыра 88, ост. Вавилон. Телефон: 8-702-146-22-74.

«Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти табдиркорлар Фахриддин Икромжон ўғли ва бир қанча қаҳириқ вилоят маслаҳатининг депутати, вилоят ўзбек этномаданийт бирлашмасининг раиси вазибаларини муваффақиятли бажарган Бадриддин Нишонқуловларга падари бузруквори	Сайрам тумани, Орис қишлоғидаги Х. Ҳайтенов номли хусусий мактаб жамоаси табдиркорлар Фахриддин Икромжон ўғли ва жамоат арбоби, бир қанча қаҳириқ вилоят маслаҳатининг депутати, вилоят ўзбек этномаданийт бирлашмасининг раиси вазибаларини муваффақиятли бажарган Бадриддин Нишонқуловларга падари бузруквори
ИКРОМЖОН ота-нинг дорулфанодан дорулбақога рихлат қилганликлари муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади, ҳамдардлик билдиради.	ИКРОМЖОН ота-нинг оламдан ўтганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдиради.
Сайрам тумани, Қорабулоқ қишлоғидаги Ҳамза номли ўрта мактаб жамоаси табдиркорлар Фахриддин Икромжон ўғли ва бир қанча қаҳириқ вилоят маслаҳатининг депутати, вилоят ўзбек этномаданийт бирлашмасининг раиси вазибаларини муваффақиятли бажарган Бадриддин Нишонқуловларга падари бузруквори	ИКРОМЖОН ота-нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
ИКРОМЖОН ота-нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.	Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Эл фарзанди, халқ ҳофизи

Шахсий архивимдаги мусиқий тасвирларни кўздан кечираётиб, Ўзбекистон халқ ҳофизи Фахриддин Умаровнинг Улуғ Ватан урушида эришилган Буюқ Ғалабанинг ўттиз йиллигига бағишлаб яратган “Қаҳрамонлар хотираси” кўшиғига дуч келдим. Ҳа, эллик йил муқаддам яратилган кўшиқни халқимиз ҳануз севиб тингламоқда...

Ўзбекистон халқ ҳофизи, улуғ санъаткор Фахриддин Умаровнинг мазмунли умр йўли, беназир ижрочилик санъати ва бу борадаги машаққатли изланишлари, қолаверса, эзуликларга тўла ҳаётини анча йиллардан бери ҳамюртларимиз эътиборига ҳавола қилиб келмоқдаман. Жумладан, санъаткор ҳақида 2016 йили чоп этилган “Эл фарзанди, халқ ҳофизи” китобимда ўзбек лирика мактабини яратган ҳофиз, эл-юрт ҳурмати ва эъзозига сазовор ноёб шахс, бетакрор овоз соҳибининг серқирра ижоди ва фаолияти батафсил баён қилинган.

... Буюқ Ғалабанинг 80 йиллик байрами арафасида жетисайлик тожик миллатига мансуб дўстларим Омон ва Ашур акалардан овозли мактуб олдим. Улар самимий тилаklarини билдириб, бу борадаги саъй-ҳаракатларим ҳақида фикрларини баён этишибди. Албатта, бундай эътироф ҳар қандай одамга қанот бағишлайди.

Камина ҳофиз билан илк бор 1995 йили март ойда, уни хонадонимиздаги тўйга таклиф этиш-

Тош қабрлар ичра ётмиш жон
фидойи жангчилар,
Кўкдаги лочинлару ҳам ўтда
куйган танкчилар.
Тош қабрни кўрганымда қалбим
қанча янчилар,
Кўздан ёшим томчилар,
оҳ фидойи жангчилар.
Ёд этсак, айём кунин номингизни билмадик,
Тилга олсак, дил эзилгай
кўздан ёшлар томчилар.
Оналар кутгай ҳамон тарк
этмайин умидини,
Тош қабрни кўрганымда қалби қанча янчилар.
Сирли олам тўлғониб, сизни
бир дам тўлғатар,
Сиз кўриб бу диёрни шод бўлардингиз
қанчалар.
Кул бўлиб, тупроқ бўлиб, соғинч бўлиб,
кўклам бўлиб,
Сиз кучарсиз она ерни, оҳ фидойи жангчилар.



га Тошкент шаҳрининг Лабзак маҳалласидаги уйига борганимда танишганман. Ўша кунини узоқ суҳбатлашиб, санъаткорнинг ҳаёти ва умр йўлидан батафсил хабардор бўлдим. Ўзаро самимий муносабатларимиз 12 йил, 2007 йилга қадар давом этди, яқин алоқада бўлдим, дуоларини олдим. Мулоқот чоғида унинг ҳаётда кўп қийинчиликлар кўрганини тушундим. Ўша учрашувлар, улуғ устознинг порлоқ хотираси – ижод қилишимга туртки берди. Устознинг руҳларини шод қилиш учун қўлимга қалам олишга жазм этдим.

Ўшанда узоқ-яқиндан жуда кўп ихлосмандлари, мухлислари келган, улар ҳофизга алоҳида ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишганди. Жазирама иссиқ бўлишига қарамай, тўй файзли ўтди, отахонлар, онахонлар завқ-шавқ билан рақсга тушишди. Тўйга келган меҳмонлар ҳофизга миннатдорчилигини билдиришди. Фахриддин ака устоз суҳандон Ҳамроқул Давронбековнинг сўзларидан илҳом олиб, узоқ вақт кўшиқ куйладилар. Иккинчи бора 2003 йилнинг 5 майида атоқли ҳофизни Қорабўлоқ қишлоғига таклиф этиб, хайрия концертини ташкиллаштирдик. Буюқ Ғалабанинг 58 йиллиги арафасида Улуғ Ватан Уруши қатнашчилари ҳамда кўп сонли мухлислари таклифига биноан уюштирилган концертда Фахриддин Умаров икки халққа бекиёс ҳурматини намоён этдилар. Ҳофизнинг Шимкент шаҳри, Жамбил ва Туркистон вилоятларидан ташриф буюрган мухлислари унга иззат-икром ҳамда эҳтиром кўрсатишди. Шахсан ўзим устознинг маслаҳатлари, насиҳатларидан кўп бора баҳраманд бўлганман, Аллоҳ назари тушган бу инсоннинг дуоларини олиб, улуғвор мақсадларга эришдим.

Тарихга муҳрланган тасвирларда унинг дил сўзларини англаш мумкин. Ўша кездаёқ оддий мухлисларнинг фикри ҳофиз учун жуда муҳим эканлигини англаганман. Бу лаҳзалар хотирамда абадий сақланиб қолди. Шунинг учун ҳар сафар Ф. Умаровни эслаганимда чуқур ўйга толиб, ўтган даврларни соғинч билан қўмсайман.

Бугунги кунда кўплаб шогирдлари, жумладан, тўлебийлик Қосимхон ака Абдураимов, қорабўлоқлик Тўраҳон ака Худойберганов, қарноқлик Расул ака, қорамуртлик Носирхон ака, сайрамлик Толиббой ака Ниёзхожиев, шунингдек, қизим Диёрахон устознинг мерос қолдирган кўшиқларини куйлаб, халқимизни Фахриддин аканинг ўлмас дурдоналаридан баҳраманд қилишмоқда.

Фахриддин Умаров ҳар бир кўшиқ матнига алоҳида эътибор берадиган мутахассис хонадалардан эди. Буюқ Ғалабанинг 30 йиллигида Фахриддин ака куйлаган шоир Ҳайдар Муҳаммад қаламига мансуб “Қаҳрамонлар хотираси” кўшиғи бунга мисол бўла олади:

Ушбу кўшиқ – ватан учун жонини фидо қилган фидойи жангчилар хотирасига бағишланган. Муаллиф тош қабрлар, ёниб кетган танкчилар, кўкда учган лочинлар образи орқали ўтган урушнинг фожиали ва қаҳрамонлик манзарасини яратди. Кўшиқнинг руҳи – изтироб, соғинч ва миннатдорликка тўла.

Бу кўшиқда оналарнинг фарзандларини жанг майдонига кузатгани, изтиробли ва муҳаббатли туйғуларни гавдаланди. Она учун фарзанд қабрини кўриш қанчалик оғир эканлиги яна бир бор таъкидланади. Бу кўшиқда нафақат ўтмишдаги қурбонлар ёд этилган, балки уларнинг жасорати ва фидойилиги абадийлаштирилган. Ҳофиз ўткир нолаларда қалб изтиробини, миллатнинг миннатдорлик ҳислари ва абадий соғинчини уруш қаҳрамонларига бағишлаган.

Ф. Умаров репертуаридаги кўплаб кўшиқларнинг муаллифи унинг ўзидир. Қорабўлоқда ўтган хайрия концертида Фахриддин ака бир янгилик яратиб кетди. Бу ўша кунин илк бор ижро этилган “Куйим” кўшиғи эди. “Ҳаётда ҳар бир инсоннинг эзгу ишларига абадий қолади. Бу шеър ҳаётим қандай ўтгани, қандай яшаганим ҳақида ёзилган. Шукурки, мендан кейин куйларим, кўшиқларим мангу қолади”, деган эди Фахриддин ака. Бу халқнинг қалбига абадий сақланишига аминман.

КУЙИМ

Мен ўтиб кетарман, сен кейин қолиб,
Ҳаққимда рост гапни куйлаб юр, куйим.
Дўстларим бағрига бошингни олиб,
Рақибда тош қаҳрим олиб тур, куйим.
Ҳали сен неча ўй, неча хонада,
Менингсиз бир ўзинг бўлурсан меҳмон.
Баъзилар талқинлар ҳар хил маънода,
Ғашингга мегади аччиқ куласан.
Сен яхши биласан қалбим сирини,
Бир сенга айтганман бутун дардимни.
Гоҳида уфурдинг чаман атрини,
Гоҳида мадҳ этдинг ошиқ мардини.
Ноҳақлик жонингдан ўтганда гоҳо,
Уқиниб, ўқиниб аччиқ йиғладинг.
Гоҳ заррин қадрини топмасдан баҳо,
Хуш ҳалол кунларга умид боғладинг.
Шуларнинг барига гувоҳсан, куйим,
Барининг садоси сенда муҳжасам.
Баъзида қаҳримсан, кўп маҳал меҳрим,
Меҳримнинг нуридан жам бўлгансан, жам.
Сен ҳалол туғилдинг, ҳалол яшадинг,
Эй, менинг куйларим, кўнгиш куйларим.
Сен менинг қалбимдан ҳаёт бошладинг,
Сен энди ортимда қолар ишларим.
Қолурсан умиддек ёниб пориллаб,



Қолурсан умримдан гувоҳлик бериб.
Замину замонлар не қилса талаб,
Лаббай деб, қошига чиқ, кўксинг кериб.

Мазкур кўшиғида ҳофиз ўзининг куйи билан самимий суҳбат қилиб, ҳаётини тасвирлайди. Дарҳақиқат, устознинг ўзи бу дунёдан ўтса-да, унинг ҳаёти ва ҳис-туйғулари айнан шу куйлари, кўшиқлари орқали халқнинг ёдида абадий сақланмоқда. Куй устознинг қалбидан чиққан ноладир. Ҳофиз ушбу куй ва кўшиқлари орқали бошидан кечирган муҳаббат, алам, ғам, адолат-сизликка қарши курашгани ва умидларини тасвирлайди. “Куйим” кўшиғи ҳофиз ҳаётининг узвий давоми сифатида кўрсатилади – у шоир ўтгач ҳам қолади, уни ёд этиш учун хизмат қилади. Кў-

Умаров хотирасига чуқур ҳурмат ва эҳтиромнинг ёрқин намунасига айланди.

Кўрсатувга таниқли суҳандон Муҳаббат Ҳамроева бошловчилик қилдилар. Шунингдек, ҳофизнинг шогирди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, тарих фанлари доктори, профессор Ҳожиакбар Ҳамидов, Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Лутфуллаев, таниқли телесуҳандон, Ўзбекистон халқ артисти Насиба Қамбарова, устознинг укаси ва шогирди Ҳожимурод Умаров, Искандар Мирсоатов, Носир Мирзаев, кенжа фарзанди, ҳуқуқшунос Жамолиддин Умаровлар ҳофиз ҳақидаги хотираларини сўзлаб беришди. Ф. Умаровнинг шогирди Х. Лутфуллаев атоқли ҳофизнинг хотира тадбирини Қозоғистонда ҳам уюштириш таклифини илгари сурди.



Улуғ ҳофиз Фахриддин Умаровга бағишланади...

Аршини ҳам тўлғатган нолаларингиз,
Биз уларни ҳамон куйлаб юрибмиз.
Гоҳида кувониб, гоҳ ғамдан ёниб,
Ўғитларингизни сўйлаб юрибмиз...
Минг йилда бир марта туғилган сиймо,
Қадрингизни балки кечроқ билибмиз.
Ҳофизин тополмай яна зор дунё,
Соғингдан кўзларда ёш-ла турибмиз!
Лек дилда бир таскин, токи бор ҳаёт,
Куйларингиз дилдан дилга кўчуси.
Шогирдлар кўлда тор, сиз берган сабоқ,
Мангу из қолдирар, бўлмас ўткнчи...
Замонлар, замнлар оша барҳаёт!
Кўнгишдан кўнгишга кўчган хуш овоз,
Дуоларимизда яшайсиз абад!
Булбулзабон ҳофиз, Фахриддин устоз!

Юлдузхон ФАХРИДДИНОВА.

шиқ қалб сирларини, дардларни, юракдан чиққан туйғуларни жонли образлар билан ифодалаган. Фахриддин аканинг бисотида бундай нолали кўшиқлар анчагинадир...

Ўтган йили Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Ёшлар” каналида Ўзбекистон халқ ҳофизи Фахриддин Умаровнинг хотирасига бағишланган “Унутмоқ осонмас...” дастурини тасвирга олиш жараёнига сайрамлик журналист ва санъатшунос Зокиржон Мўминжонов, хонада Толиббой Ниёзхожиев, таниқли тадбиркор Ақром Анорметов билан бирга камина ҳам таклиф этилди. Кўрсатувда устознинг мухлислари, шогирдлари ва оила аъзолари иштирок этишди. Кўрсатув эфирга узатилгач, жуда кўп жойлардан кўнгироқлар бўлди ва шу тарика ушбу тадбир ўзбек кўшиқчилиқ санъати дарғаси Фахриддин

Мен ҳам ўз сўзимда Фахриддин Умаровнинг шогирдлари ва мухлислари Қозоғистонда кўп эканини айтдим. Дарҳақиқат, болагимиздан ҳофизнинг “Эй, муҳаббат”, “Азиз ватаним”, “Отам”, “Онам дерман”, “Учиб ўтган қалдирғоч”, “Ун сакизга кирмаган ким бор?” каби ўнлаб кўшиқларини эшитиб, улғайдик. Бу кўшиқлар ҳамон миллионлаб мухлисларнинг қалбига янграмоқда. Санъат дарғасининг ижоди қозоқ ва ўзбек халқларининг азалий дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қилишига аминимиз.

Кўрсатувдан олган таассуротлар ҳақида З. Мўминжонов қуйидагича фикр билдирди: “Фахриддин Умаров каби санъаткорлар элнинг ёдида мангу сақланади. Ҳофизнинг лирика мактаби Қозоғистонда ҳам очилса, айни муддао бўлар эди”.

Қозоғистонлик нуроний отахон ва онахонларимизнинг илтимосига биноан Сайрам диёридаги вилоят Ўзбек драма театрида биринчи бор «Мени ёд эт» концерт дастурини уюштирганмиз. Бу концертда Ҳожиакбар ака Ҳамидов бошчилигидаги устознинг шогирдлари, жумладан, марҳум Гайбулла ака Норхўжаев, чимкентлик Абдураим ака Абдурахмонов ва юкорида номлари тилга олинган кўплаб шогирдлари устознинг мерос қолдирган кўшиқларини халқимизга чиройли намоён этишди.

Шу ўринда чимкентлик Фароғат ҳожи ая ва сайрамлик Турсунхўжа отанинг устозга бўлган ҳурмати яққол намоён этилган куйидаги гапларини эсламасликка имкон йўқ: “Фахриддин Умаров ўз даврида миллионлаб мухлисларини эзгуликка чорлаб, яхшиликка тарбиялаб кетди, ҳалигача устоз яратиб кетган лирика мактаби инсонларни инсонийликка даъват этиб келмоқда”.

Ҳа, Ф. Умаров лирика мактабини яратиб, халқнинг назарига тушган улуғ санъаткордир. Бугунги кунда кўплаб ёшларимиз ҳофизнинг кўшиқларини ўрганиб, ижро этишмоқда. Ўзбек миллий кўшиқчилиқ санъати ривожига улкан ҳисса қўшган, ўз услуби ва мактабининг ихтирочисини, миллионлаб мухлисларнинг қалбидан жой олган улуғ санъаткор Фахриддин Умаровнинг руҳлари шод бўлсин!

Зеро, халқ ҳофизи Фахриддин Умаровнинг бой ижодий мероси нафақат Ўзбекистон, балки, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркменистонда яшовчи қардош халқларнинг муштарак мақсадларини амалга ошириш, ҳамжиҳатлик ва дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш учун хизмат қилаверади.

Фахриддин ҚОРАТООБ,
давлат ва жамоат арбоби.

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБООБОВ.	Масъул шахслар: <i>Туркистон, Саверон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22</i> <i>Қазигурт – Хуршид КҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42</i> <i>Сайрам – Зокиржон МҲМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90</i> <i>Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7742-144-60-71</i> <i>Жетисай, Мақтарал – Муҳтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97</i> <i>Келес, Саригоч – Малика ЭПТОЕВА. +7702-841-78-82</i> <i>Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97</i>	Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродаларлиги. ● Мақолалар, эълон ва билдиргулардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир. ● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КҚ34VРУ0022503 гувоҳнома берилган. “ERNUR”print” МЧБ босяохонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.	МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават. Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66. +7778-618-39-05. Электрон почта: janubiy@inbox.ru Нашр кўрсатқичи – 65466.Адади – 11300 нуска. Бюджет 1073. Навбатчи муҳаррир: Муҳтабар УСМОНОВА.
--	---	--	--

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.